

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИДА ДАВЛАТ–ЖАМОАТ ШЕРИКЛИГИ: НАЗАРИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ВА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ИНСТРУМЕНТЛАРИ

Мухаммадалиев Зухриддин Хабибулло ўғли,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Мақолада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда давлат органлари ва жамоат институтлари ўртасидаги ҳамкорлик назарий моделлар ва амалий механизмлар кесимида таҳлил қилинади. Тадқиқотда давлат–жамоат шериклигининг ҳуқуқий табиати, иштирокчи субъектларнинг роли ва функциялари, ҳамкорлик шакллари (жамоат назорати, ижтимоий шериклик, коммуникация сиёсатлари, профилактик тарғибот, волонтерлик ташаббуслари) ҳамда уларнинг йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришга таъсири ёритилади. Шунингдек, амалиётда қўлланадиган инструментлар — очик маълумотлар ва фуқаролик мониторинги, “хавфсиз мактаб йўли”, маҳалла даражасида профилактик лойиҳалар, бизнеснинг корпоратив ижтимоий масъулияти (CSR), ОАВ ва рақамли платформалар орқали ахборотлаштириш механизмларининг самарадорлиги баҳоланади. Муаллиф миллий шарт-шароитда давлат–жамоат ҳамкорлигини институционаллаштириш, ҳуқуқий регламентларни аниқлаш, ҳудудий дастурларни натижага йўналтириш ва ҳисобдорлик механизмларини кучайтириш бўйича таклифларни асослайди. Мақола хулосалари йўл ҳаракати хавфсизлиги сиёсатида жамоат иштирокини кенгайтириш ва профилактика маданиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** давлат–жамоат шериклиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат назорати, ижтимоий шериклик, маҳалла, ННТ, ОАВ, очик маълумотлар, волонтерлик, CSR, профилактика маданияти

В статье рассматривается взаимодействие государственных органов и общественных институтов в обеспечении безопасности дорожного движения через призму теоретических моделей и практических механизмов. Анализируется правовая природа государственно-общественного партнерства, роли и функции субъектов, формы участия (общественный контроль, социальное партнерство, коммуникационная политика, профилактическая пропаганда, волонтерские инициативы) и их влияние на снижение ДТП. Оцениваются прикладные инструменты: открытые данные и гражданский мониторинг, программы «безопасный путь в школу», профилактические проекты на уровне

местных сообществ (махалля), корпоративная социальная ответственность (CSR), а также информационные механизмы через СМИ и цифровые платформы. Обосновываются предложения по институционализации взаимодействия, уточнению правовых регламентов, ориентированию региональных программ на результат и усилению подотчетности. Выводы направлены на расширение общественного участия и укрепление культуры профилактики в политике БДД.

**Ключевые слова:** государственно-общественное партнерство, безопасность дорожного движения, общественный контроль, социальное партнерство, махалля, НКО, СМИ, открытые данные, волонтерство, CSR, культура профилактики.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида барқарор натижага эришиш учун давлат органларининг назорат ва маъмурий чоралари билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаол иштироки талаб этилади. Чунки йўл қоидаларига амал қилиш маданияти, хавф омилларини эрта аниқлаш, профилактик тарғибот ва жамоат назорати — жамоат институтларининг ресурслари орқали кучаядиган йўналишлардир. Шу боис давлат–жамоат ҳамкорлигининг назарий моделларини аниқлаш ва уни амалиётда ишлайдиган механизмлар (очиқ маълумотлар, маҳалла лойиҳалари, волонтерлик, CSR ва бошқалар) орқали институционаллаштириш йўл ҳаракати хавфсизлиги сиёсати учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Барқарор натижага эришиш учун фуқаролик жамияти институтлари, маҳалла тузилмалари, ОАВ, ННТ ва бизнес субъектларининг профилактика, тарғибот, жамоат назорати ва ижтимоий шерикликдаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир демократик жамиятда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулки хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, жамиятдаги барқарорлик ва тартибни сақлашнинг муҳим шarti сифатида намоён бўлади. Ҳозирги кунда йўл-транспорт ҳодисалари нафақат шахсий фалокатлар, балки умумжамият учун оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келмоқда. Шу боис, бу муаммони бартараф этишда давлат органлари ва жамоат институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, вазифаларни тақсимлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш каби ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор ҳуқуқий ва институционал ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги каби мутасадди идоралар билан бир қаторда,

маҳалла муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, ННТлар ва оммавий ахборот воситалари ҳам мазкур жараёнда муҳим рол ўйнамоқда. Бу ҳамкорлик нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки аҳолида ҳуқуқий онг ва йўл маданиятини шакллантириш, болалар ва ёшлар орасида профилактика ишларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (WHO) маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 1,3 миллионга яқин инсон йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳалок бўлади. Бу кўрсаткич йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг глобал миқёсда долзарб эканлигини янада яққол намоён этади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мисолида ҳам бу ҳолат тасдиқланади. Жумладан, 2024 йил давомида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида амалга оширилган ислохотларга қарамасдан, 2024 йил давомида Ўзбекистонда 9364 та йўл-транспорт ҳодисаси расман қайд этилган бўлиб, шундан 3045 таси (32,5 фоиз) юк ва йўловчи ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари билан боғлиқдир. Мазкур йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида жами 2200 дан ортиқ фуқаролар ҳалок бўлган. Бу эса мавжуд ҳуқуқий-ташқилий чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш заруратидан далолат беради<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонуни (58 та моддадан иборат) ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган 30 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим аҳамият касб этган бўлса-да, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг юқори даражада сақланиб қолиши ушбу соҳада қўшимча институционал ва профилактик чораларни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш нафақат транспорт соҳасининг, балки миллий хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим. Чунки мазкур соҳадаги муваффақиятлар мамлакатнинг умумий барқарорлиги, демографик ривожланиши ва аҳолининг ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Ўзбекистонда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия фаолиятини халқчиллик тамойиллари асосида ташкил этиш, соҳавий ислохотларни тубдан амалга ошириш орқали криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

<sup>1</sup>The fifth Edition of the [Global Status Report on Road safety 2023](#) (GSRRS) has been published by the World Health Organisation ([WHO](#)) in December 2023, with the active contribution of [NTUA](#).

<sup>2</sup><https://www.gazeta.uz/uz/2025/01/24/road-accident-2024/>

Хусусан, содир этилаётган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг сабабларини илмий тадқиқотлар асосида ўрганиш, уларнинг келиб чиқишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда профилактик фаолият, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда давлат органлари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш механизмларини аниқлашда илмий таҳлилларга таяниш алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, мазкур йўналишда маҳаллий ва халқаро миқёсда фаолият олиб бораётган ҳуқуқшунос олимларнинг илмий назарий қарашларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, профессор *Ш.Қудратқулов* томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган маъмурий-ҳуқуқий воситалар бўйича олиб борилган илмий изланишлар мазкур соҳада тизимли назорат механизмларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Унинг таъкидлашича, фуқароларнинг йўл ҳаракати қоидаларига нисбатан ҳуқуқий онги ва ижтимоий масъулияти етарли даражада эмаслиги улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг асосий омилларидан бири саналади. Шу боис, маъмурий жавобгарликни кучайтириш билан бир қаторда, профилактик ҳуқуқий тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, профессор Қудратқуловнинг фикрича, йўл ҳаракатидаги тартиб-интизомни таъминлашда ҳуқуқий таълим ва юридик маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифа бўлиши лозим<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, профессор *У.Шарипов* ўзининг жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий маданиятга бағишланган илмий ишларида йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласини кенг жамоатчилик маданияти ва фуқаролик позицияси билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, шахсда ҳуқуқий онг ва фуқаролик масъулияти шаклланмас экан, ҳеч қандай қонун ёки жазо чоралари узоқ муддатли натижа бермайди. Шарипов таъкидлаганидек, йўл ҳаракатида жавобгарлик ҳиссини ошириш учун фуқаролар ўртасида “ҳуқуқий хулқ” моделини шакллантириш ва уни мактаб таълими, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари орқали мустаҳкамлаш талаб этилади<sup>4</sup>.

<sup>3</sup>Қудратқулов Ш. “Маъмурий ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарликлар”, Т.: Adolat, 2021, 178-бет.

<sup>4</sup>Шарипов У. “Жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий маданият”, Т.: Юридик нашр, 2022, 95–99-бетлар.

К.М.Раҳимовнинг диссертация тадқиқот ишида эса Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мавжуд тизимни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва унинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан такомиллаштириш учун илмий-назарий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Бундан ташқари, диссертацияда қатор вазифалар белгиланган бўлиб, улар қаторида йўл ҳаракати қоидаларининг тарихий шаклланиш босқичларини таҳлил этиш ва уларни даврлаштириш; йўл ҳаракати хавфсизлигининг бугунги ҳолатини ва унинг ижтимоий заруратини аниқлаш; мазкур соҳадаги асосий назарий тушунчаларни таҳлил қилиш ва илмий жиҳатдан асослаш; ҳуқуқий ислоҳотларнинг таҳлили орқали ривожланиш босқичларини белгилаш; давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; қоидабузарликлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш борасида таклифлар бериш; хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, миллий амалиётга татбиқ этиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг истиқболдаги йўналишларини белгилаш вазифалари назарда тутилган<sup>5</sup>.

Шунингдек, давлат органлари ва жамоатчиликнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги **ўзаро ҳамкорлиги** масаласи бўйича **хорижий ҳуқуқшунос ва эксперт олимларнинг илмий назарий қарашларига тўхталиб ўтиш мазкур тадқиқот ишини илмий савиясини янада ортишига хизмат қилади. Хусусан:**

*Роберт Вернон* таъкидлашича, полиция ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда асосий механизмлардан бири ҳисобланади. Унинг таърифича, “*community policing*” модели — фуқароларни ҳуқуқбузарликлардан хабардор қилиш, масъулиятини ошириш ва полиция фаолиятини жамоат эҳтиёжларига мослаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, йўл ҳаракати соҳасида эса бу ёндашув транспорт маданиятини шакллантиришга ёрдам беради дейди<sup>6</sup>. Америкалик олимлар *Джеймс Вилсон* ва *Жорж Келлинг* фикрича, “Broken Windows” назарияси асосида жамоат хавфсизлиги, хусусан, йўл ҳаракати соҳасида кичик қоидаларга риоя қилиш ва

<sup>5</sup>Раҳимов К.М. “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг назарий -ҳуқуқий жиҳатлари” Т.: 2022 й. 187 бет.

<sup>6</sup> Vernon, R. (2019). *Community Policing: International Perspectives*. Routledge, pp. 97–113.

жамоатчиликнинг назорати жиноятчиликнинг олдини олишда самарали бўлиши мумкинлигини таъкидлашган. Уларга кўра, “*яхши ташкилий тизим ва жамоатчилик фаол иштироки*” йўл хавфсизлигининг кафолатидир <sup>7</sup>. Шунингдек, Франциялик ҳуқуқшунос олими *Франсуа Фрей* назарияси бўйича Францияда амал қилувчи миллий кенгашлар ва идоралараро комиссиялар фаолиятини таҳлил қилиб, жамоатчилик фикрини қонунчиликка интеграция қилиш ва транспорт сиёсатини фуқаролар эҳтиёжларига мувофиқлаштириш механизмларини илгари сурган. Унинг фикрича, “*Public Safety Committees*” жамоатчилик-давлат алоқаларида институционал восита сифатида самарали ишлайди<sup>8</sup>. *Vision Zero* концепцияси тарафдори бўлган Германиялик ҳуқуқшунос олим профессор *Клаус Шмидт* фикрича йўл ҳаракати хавфсизлигида “нол қурбонлик” мақсадига фақат давлат ва жамоатчиликнинг узвий ҳамкорлиги билан эришиш мумкин. Унинг таъкидлашича, маҳаллий тузилмалар, шаҳар ҳокимликлари, мактаблар ва нодавлат ташкилотларнинг тизимли иштироки бу соҳада муваффақиятли сиёсатни таъминлайди<sup>9</sup>. Япониялик *Масару Накагава* “қобан” полиция пости институти орқали жамоатчилик иштирокининг йўл ҳаракати хавфсизлигидаги ўрнини ўрганган. Унинг таъкидлашича, қобан тизими фуқароларни хавфсизликка дахлдор масалаларда доимий ахборот билан таъминлаш, болалар ва кексаларни ҳимоя қилиш каби функцияларни бажаради ва бу йўлда жамоатчилик ишончини оширади<sup>10</sup>. Россиялик ҳуқуқшунос олим, профессор *Владимир Лукин* МДХ мамлакатларида, хусусан, Россияда йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва полиция-жамоатчилик ҳамкорлиги камчиликларини танқидий таҳлил қилган. Унинг фикрича, “жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз жиноятчиликни олдини олиш имкони чекланган бўлади”<sup>11</sup>.

Мазкур илмий қарашлардан келиб чиқиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда нафақат жазо чоралари, балки кенг жамоатчилик иштирокини таъминлайдиган ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилган тизимли чора-

<sup>7</sup>Wilson, J.Q. & Kelling, G.L. (1982). *Broken Windows: The Police and Neighborhood Safety*. The Atlantic.

<sup>8</sup>Frey, F. (2018). *Mobilités urbaines et sécurité routière: l'enjeu de la participation citoyenne*, Université de Paris, pp. 45–60.

<sup>9</sup>Schmidt, K. (2020). *Vision Zero and Road Safety Governance in Germany*. *Transport Policy Journal*, Vol. 98, pp. 119–127.

<sup>10</sup>Nakagawa, M. (2015). *Community Policing in Japan: The Role of Koban*. *Asian Journal of Criminology*, Vol. 10, No. 2, pp. 121–135.

<sup>11</sup>Лукин В.А. (2017). *Правовое воспитание и профилактика нарушений в области безопасности дорожного движения*, Москва: ЮНИТИ.

тадбирлар муҳими яққол кўзга ташланади. Бунда ҳуқуқшунос олимларнинг илмий таҳлиллари нафақат назарий аҳамиятга эга, балки амалиётга тадбиқ этиладиган ҳуқуқий ечимлар ишлаб чиқишга ҳам хизмат қилади.

Шу ўринда, *йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда давлат ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлик шакллари қандай?* деган ўринли савол юзага келади. Олиб борилган илмий изланишлар даврида бугунги кунда давлат-жамоат ҳамкорлиги кўпқиррали шаклларда намоён бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Европа Иттифоқида Йўл ҳаракати хавфсизлиги Хартияси (European Road Safety Charter) фуқаролик жамияти ва хусусий секторни йўл хавфсизлиги бўйича чора-тадбирлар ўтказишга ташаббус кўрсатишга чорловчи энг йирик платформа ҳисобланади<sup>12</sup>.

**Германия Федератив Республикасида** йўл ҳаракати хавфсизлиги устувор миллий мақсадлардан бири ҳисобланади. Шу боис, 2021 йилда Германия Федерал ҳукумати томонидан “Йўл Хавфсизлиги Пакти” (*Road Safety Pact 2021–2030*) қабул қилинди. Ушбу стратегик ҳужжатнинг асосий мақсади “*Vision Zero*” – яъни йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида инсон ҳалок бўлиши ҳолатларини узок муддатда тўлиқ бартараф этишдир. Қисқа муддатли мақсад сифатида эса 2030 йилгача ҳалок бўлиш ҳолатларини камида 40% га камайтириш белгиланган<sup>13</sup>.

Мазкур пакт тубдан янги ёндашув асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда федерал ҳокимият, федерал штатлар (Länder), маҳаллий идоралар, шунингдек ноҳукумат ташкилотлар ва хусусий шериклар ўртасидаги институционал ҳамкорлик мустаҳкамланади. Унда қонунчилик ислохотлари, инфратузилмани модернизация қилиш, рақамли технологияларни жорий этиш, транспорт иштирокчиларининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш ва автоматлаштирилган транспорт тизимларини қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилган<sup>14</sup>.

Шунингдек, “Йўл Хавфсизлиги Пакти” доирасида бир қатор амалий ташаббуслар амалга оширилмоқда. Жумладан, “*Turn Assistant Campaign*”,

<sup>12</sup><https://road-safety-charter.ec.europa.eu/trid.trb.org>

<sup>13</sup>Германия Федерал Ҳукумати (Bundesregierung), Германия Федерал Рақамлаштириш ва Транспорт Вазирлиги (Bundesministerium für Digitales und Verkehr, BMDV) // Common Strategy for Road Safety Activities in Germany from 2021 to 2030 (“Road Safety Pact”) // [https://bmdv.bund.de/SharedDocs/DE/Anlage/StV/road-safety-pact-en.pdf?\\_\\_blob=publication-File](https://bmdv.bund.de/SharedDocs/DE/Anlage/StV/road-safety-pact-en.pdf?__blob=publication-File)

<sup>14</sup>Германия Федерал Республикасининг Рақамли ва Транспорт ишлари бўйича Федерал Вазирлиги (Bundesministerium für Digitales und Verkehr, BMDV) 2021 йилда муҳим институционал ва стратегик ўзгаришларни амалга оширди. Ушбу ўзгаришлар рақамли инфратузилма ва транспорт соҳаларидаги инновациялар, хавфсизлик ва барқарорликни оширишга қаратилган // <https://www.isarsoft.com/article/-road-safety-in-germany-a-changing-perspective/>

“Helmets Save Lives” ва FeGiS+ (“Feedback Instrument for Safe Road Infrastructure”) лойиҳалари орқали фуқароларнинг йўлдаги хавфли нуқталар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари асосида профилактик чоралар белгилашмоқда. Ушбу тадбирлар орқали нафақат транспорт воситаларининг хавфсизлиги, балки велосипедчилар ва пиёдаларнинг ҳаракати ҳам ҳимоя қилинади<sup>15</sup>. Пактнинг яна бир муҳим жиҳати — ҳар бир ҳудудий маъмурий орган ўз ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатини таҳлил қилиб, маҳаллий даражада индивидуал чоралар кўриш мажбуриятини олади. Бу — жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва жавобгарликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Францияда** йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласи жамоат сиёсати даражасидаги устувор йўналиш сифатида қаралади. Бу давлат сиёсати нафақат марказий ҳокимият, балки маҳаллий идоралар, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини талаб қилади. Миллий даражада ЙХХҚ (*йўл ҳаракати хавфсизлиги*) соҳасида стратегик режалаштириш ва мувофиқлаштириш Миллий йўл ҳаракати хавфсизлиги кенгаши (*Conseil national de sécurité routière*) ҳамда ҳукумат таркибидаги идоралараро комиссиялар орқали амалга оширилади. Ушбу тузилмалар орқали жойлардаги маъмуриятлар, тижорат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар ўз ғоя ва таклифларини билдириш имкониятига эга бўлади<sup>16</sup>.

Жумладан, Франция Ички ишлар вазирлигига қарашли Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва унинг статистик таҳлили бўйича Миллий обсерватория (ONISR) ҳар йили тўлиқ аналитик ҳисобот тайёрлаб, мутахассислар ва сиёсий доиралар учун муҳим хулосаларни тақдим этади. Бундай таҳлиллар асосида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, эҳтиёжли ҳудудлар ва аҳоли гуруҳларига доир аниқ мақсадли тадбирлар ишлаб чиқилади<sup>17</sup>.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) эса ўз аъзолари учун жамоат хавфсизлигини таъминлашда “community policing” – яъни полиция ва жамоатчилик ўртасидаги шериклик асосидаги фаолият моделини таклиф этади. Бу ёндашув полиция фаолиятини оддий репрессив назарий йўлдан чиқариб, жамоат билан мулоқот, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган. Жамоат хавфсизлигига оид муаммоларни профилактик йўл билан бартараф этиш, жумладан йўл ҳаракатида юзага келадиган

<sup>15</sup>[https://en.wikipedia.org/wiki/PTV\\_Group?utm\\_source=chatgpt.com](https://en.wikipedia.org/wiki/PTV_Group?utm_source=chatgpt.com)

<sup>16</sup> ONISR, 2023 – <https://www.onisr.securite-routiere.gouv.fr>

<sup>17</sup> Ўша манбаа: <https://www.onisr.securite-routiere.gouv.fr>

таваккалчиликларни камайтириш ҳам ана шундай шериклик модели доирасида амалга оширилади<sup>18</sup>.

Хусусан, ЕХХТнинг Косоводаги миссияси (*OSCE Mission in Kosovo*) полиция ва жамоат ўртасидаги ишончни кучайтириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича кенг қамровли тарғибот-ташвиқот кампаниясини ўтказган. Бу кампания доирасида ўқувчилар, авто ҳайдовчилар ва жамоатчиликка қаратилган визуал ахборот воситалари, тренинглар ва оммавий тадбирлар ташкил этилган. Натижада, аҳолининг йўл ҳаракатидаги ҳуқуқий маданиятида сезиларли ўсиш кузатилган<sup>19</sup>. Шунингдек, ЕХХТ ўзининг “Community Policing Handbook” қўлланмаси орқали аъзо давлатлар полициясини жамоат билан мулоқот қилиш, ишончли алоқа ўрнатиш ва хавфсизликка оид умумий мақсадлар йўлида ҳамкорлик қилишга ундайди. Ушбу ҳужжатда жамоат хавфсизлигини таъминлашда йўл ҳаракати хавфсизлиги муҳим таркибий қисм сифатида қайд этилган<sup>20</sup>.

АҚШда ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш федерал, штат ва маҳаллий даражаларда мувофиқлаштирилган тизимли давлат сиёсати ҳисобланади. Бу борада асосий институтлардан бири — Миллий автомобил хавфсизлиги бошқармаси (*National Highway Traffic Safety Administration – NHTSA*) ўз фаолиятини хавфсизликни таъминлаш, профилактика, маълумотлар таҳлили ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик орқали амалга оширади<sup>21</sup>. NHTSAнинг асосий вазифаларидан бири — йўлларда содир бўлаётган авариялар сони ва оқибатларини камайтириш мақсадида ҳуқуқий, маърифий ва техник механизмларни жорий этишдир. Бунинг учун бошқарма нафақат давлат идоралари, балки кенг жамоатчилик, айниқса, фаолият йўналиши йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган нодавлат ноижорат ташкилотлар (ННТ) билан узвий алоқада бўлади.

Шу нуқтаи назардан, *MADD (Mothers Against Drunk Driving)* — спиртли ичимлик истеъмоли ҳолатида ҳайдовчилик қилишга қарши курашиш соҳасида Америкадаги энг йирик ва таъсирли ННТлардан бири ҳисобланади. Ушбу ташкилот билан ҳамкорлик орқали NHTSA жамоатчиликда ҳуқуқий онгни ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш ва суд-ҳуқуқ тизимида тегишли ислохотларни тарғиб қилишга эришмоқда<sup>22</sup>. Мазкур ҳамкорлик

<sup>18</sup> OSCE, 2021 – <https://www.osce.org/files/f/documents/5/f/67837.pdf>.

<sup>19</sup> <https://www.osce.org/mission-in-kosovo/446636>.

<sup>20</sup> <https://www.osce.org/files/f/documents/5/f/67837.pdf>.

<sup>21</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/National\\_Highway\\_Traffic\\_Safety\\_Administration](https://en.wikipedia.org/wiki/National_Highway_Traffic_Safety_Administration)

<sup>22</sup> *MADD.org – MADD 1980 йил 5 сентябрда Кэндис (Кэнди) Лайтнер томонидан ташкил этилган бўлиб, унинг 13 ёшли қизи Кари маст ҳайдовчи томонидан уриб кетилиб ҳалок бўлган.*

доирасида турли хил кампаниялар — масалан, “*Drive Sober or Get Pulled Over*”, “*No Refusal Weekend*” каби ташаббуслар амалга оширилади. Шунингдек, SAFE (*Stop Alcohol Fatalities Everywhere*) ташкилоти билан ҳамкорликда йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабабларидан бири — маст ҳайдовчиликка қарши кенг қамровли таҳлиллар ва стратегиялар ишлаб чиқилади. Мазкур ташкилотлар NHTSA билан ҳамкорликда маълумот тўплаш, оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига йўл йўриқ бериш, мактаб ва университетларда таълимий дастурлар жорий этиш, шаҳарлар ва вилоятларда йўл инфратузилмасига оид хавфли нуқталарни аниқлашда фаол иштирок этмоқда<sup>23</sup>.

Ушбу ҳамкорлик механизми АҚШда “*community-based approach*” (*жамоага таянган ёндашув*) сиёсатининг муҳим қисми бўлиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда жамоат ва давлат органлари ўртасидаги ишончли ҳамкорлик моделини шакллантирган. Бу ҳолат жиноятчиликка қарши профилактик сиёсатда ННТлар фаолиятининг аҳамиятини ошириш билан бирга, давлат органлари учун стратегик шериклик имкониятларини ҳам яратди<sup>24</sup>.

Осиё мамлакатларида ҳам давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликга алоҳида аҳамият берилади. Хусусан, **Японияда** йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда давлат органлари билан жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликка устувор аҳамият берилади. Бу ҳамкорликнинг ўзига хос институционал шакли сифатида *кобанлар* ва *чузаишолар* – маҳаллий полиция постлари ва кичик бўлимлари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Япония Миллий полиция агентлиги (*National Police Agency – NPA*) томонидан расмий

---

*Бу фожиадан сўнг, Лайтнер маст ҳайдовчиликка қарши курашиш мақсадида ушбу ташкилотни ташкил этган. MADDнинг асосий мақсадлари: маст ҳолда ҳайдашга барҳам бериш; ёшлар ўртасида спиртли ичимликлар истеъмолини олдини олиш; йўл-транспорт ҳодисаларидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва маст ҳолда ҳайдашга қарши қонунларни кучайтириш.*

<sup>23</sup>NHTSA (*National Highway Traffic Safety Administration*) — АҚШ Транспорт департаменти таркибидаги федерал агентлик бўлиб, автомобил хавфсизлиги ва йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш, автоҳалокатлар сонини камайтириш ва йўлларда хавфсизликни ошириш билан шуғулланади.

<sup>24</sup>OSCE, 2022 (*Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти*) фаолиятининг асосий мақсади – иштирокчи давлатларда тинчлик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва қонунийликни таъминлашдир. У халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-экологик ва инсоний ўлчовлар орқали барқарор ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Шу жумладан, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг демократлашуви соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

тарзда ташкил этилган ушбу тизим давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишонч, назорат ва хизмат кўрсатиш фалсафасига асосланган<sup>25</sup>.

*Кобан ва чузашио тизимининг вазифаларига:*

➤ *жамоатчилик билан доимий алоқа:* полиция ходимлари ўз хизмат ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар, тадбиркорлар ва мактаблар билан шахсан таниш бўлиб, улар билан мунтазам алоқада бўлади. Бу орқали хавфсизлик муаммоларини илгари аниқлаш ва уларни олдини олиш имкони яратилади;

➤ *йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш:* кобан ходимлари маҳаллий йўлларда ҳаракатни кузатиш, йўл ҳаракати қоидаларини бузилишининг олдини олиш ва профилактик тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этади;

➤ *болалар ва кексаларни ҳимоя қилиш:* полиция ходимлари мактаблар атрофида хизмат олиб боради, болаларнинг хавфсиз ҳаракат қилишини назорат қилади ва кекса аҳолининг жамоат транспортдан хавфсиз фойдаланишига ёрдам беради;

➤ *қидирув ва профилактика ишлари:* қидирувда бўлган шахслар ёки йўқолган фуқаролар бўйича тезкор ҳаракат қилиш имконини берадиган маҳаллий маълумотлар базаси юритилади.

*Самарадорлик омилларига:*

*фуқароларнинг ишончи ва полицияга юзма-юз алоқаси:* Японияда полициянинг кобан тизими жамият билан узвий боғланган бўлиб, ҳар бир фуқаро полицияни муаммога эмас, балки ҳамкорликка чорловчи институт сифатида қабул қилади;

*қариндошлик алоқаларига яқин муносабат:* кобан ходимлари маҳалла фаоллари, ўқитувчилар ва маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда профилактик суҳбатлар ва жамоатчилик тадбирларини ўтказишди;

*жиноятларни олдини олишда жамоат иштирокини таъминлаш:* “Community Safety Map” ва “School Zone Patrol” каби дастурлар орқали аҳоли полиция фаолиятига фаол жалб этилади.

Юқорида илгари сурилган фикрлардан билиш мумкинки, бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш — нафақат транспорт соҳасига доир, балки давлатнинг умумий барқарорлиги, фуқароларнинг ҳаёт сифатини ошириш, демографик ўсишни таъминлаш ва иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи устувор соҳалардан бири бўлмоқда. Бу масалада давлат органлари ва

<sup>25</sup>National Police Agency of Japan. “Community Policing and Koban System.” [npa.go.jp](http://npa.go.jp), 2022.// Goto, M. (2018). *The Koban System: Policing by Engagement*. Tokyo University Press.

жамоатчилик ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизми муҳим омил сифатида намоён бўлади. Илмий-таҳлилий таҳқиқотлар ва халқаро тажрибаларга таянган ҳолда, ушбу ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

*биринчидан, меъёрий-ҳуқуқий базани институционал такомиллаштириш.* Бунда, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги жорий қонунчилик тизими қайта кўриб чиқилиши ҳамда жамоатчилик иштирокини институционал асосда тартибга солувчи янги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва давлат-жамоат шериклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу ҳужжатда жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатлари, масъулияти ва давлат органлари билан ўзаро муносабатлари аниқ белгиланиши лозим. Қонун ҳуқуқий маданиятни ошириш, аҳоли онгини шакллантириш, профилактик тадбирларда жамоатчилик иштирокини таъминлашга доир нормаларни қамраб олиши керак;

*иккинчидан, институционал ҳамкорлик моделини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.* Бунда, халқаро амалиёт (Франция, Германия, Япония ва бошқалар)дан келиб чиқиб, маҳаллий даражада “Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича жамоат кенгашлари”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бундай кенгашлар маҳаллаларда аҳоли, мутахассислар, маҳаллий ҳокимият ва ННТлар иштирокида фаолият юритиб, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг иштирокига имкон яратади. Шу билан бирга, ички ишлар органлари тизимида **жамоатчилик билан алоқалар бўйича алоҳида бўлимлар** ташкил этиш ва “community policing” (жамоатчилик-полиция шериклиги) модели доирасида фаолият юритиш механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш тавсия этилади;

*учинчидан, жамоатчилик иштирокини қарор қабул қилиш жараёнига жалб этиш.* Бунда, жамоатчилик ва ННТларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигига оид қарорлар қабул қилишдаги иштироки қонунчилик асосида кафолатланиши лозим. Хусусан, қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик муҳокамалари мажбурий тартибда ўтказилиши, аҳоли фикри асосида транспорт сиёсати шакллантирилиши ва давлат органларининг ҳисобдорлик механизми кучайтирилиши лозим. Франция тажрибасидаги “Public Safety Committees” ва Германиянинг FeGiS+ платформаси бу борада намуна сифатида хизмат қилади;

*тўртинчидан, ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш.* Бунда, фуқароларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишини таъминлашда ҳуқуқий маданият ва маърифий ишларни тизимлаштириш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда:

- *мактаб ва олий таълим муассасаларида йўл ҳаракати хавфсизлигига оид алоҳида ўқув курслари жорий этилиши;*
- *оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда махсус тарғибот кампанияларини йўлга қўйиш;*
- *аҳолининг ҳуқуқий онги ва фуқаролик масъулиятини шакллантириш бўйича “Ҳуқуқий хулқ” моделини амалиётга жорий этиш;*  
*бешинчидан, ахборот технологиялари ва рақамлаштиришдан самарали фойдаланиш. Бунда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан бир қаторда, жамоатчилик иштирокини кучайтириш учун:*
- *йўлдаги хавфли нуқталар ҳақида фуқаролардан маълумот тўплаш имконини берувчи рақамли платформа ва мобил иловалар яратиш;*
- *очиқ маълумотлар базасини шакллантириш ва уни жамоатчилик учун шаффоф тақдим этиш;*
- *маҳаллий даражада “Community Safety Map”ларини яратиш орқали жамоатчиликнинг мониторинг функциясини ривожлантириш зарур;*  
*олтинчидан, профилактик ва жазо чораларини мувозанатли йўлга қўйиш. Бунда, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни фақат жазо орқали эмас, балки профилактик, таълимий ва тарғибот усуллари билан бартараф этиш самарали ҳисобланади. Шу мақсадда:*
- *йўл қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қайта ўқитиш курсларини жорий этиш;*
- *мақсадли ижтимоий ишлар ва жамоат хизмати орқали жавобгарликни ошириш;*
- *ННТлар иштирокида профилактик суҳбатлар ва тренинглар ташкил этиш, Япония ва АҚШ тажрибасига асосан.*  
*еттинчидан, илмий-тадқиқот ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш. Бунда, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ислоҳотларни илмий жиҳатдан асослаш, таҳлил қилиш ва халқаро стандартларга мос равишда амалга ошириш мақсадида:*
- *“Йўл ҳаракати хавфсизлиги институти” ёки эксперт марказини ташкил этиш, у илмий тадқиқотлар олиб боради, норматив ҳужжатлар экспертизасини ўтказади;*
- *йиллик халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил қилиш ва улар орқали давлат-жамоат ҳамкорлиги механизмларини таққосламали ўрганиш;*
- *ЕХХТ, БМТ, НХТСА, Япония NPA каби халқаро ташкилотлар билан доимий алоқаларни йўлга қўйиш, уларнинг амалиётларини адаптация қилиш.*

Юқорида баён этилган илмий-назарий таклифлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки янги Ўзбекистон шароитида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир давлат сиёсатини шакллантиришда ва унинг амалий механизмини такомиллаштиришда муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, жамоатчилик иштирокини ҳуқуқий кафолатлаш, қарор қабул қилиш жараёнида фуқаролик жамиятининг фаоллигини ошириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш каби омиллар — янги Ўзбекистонда давлат ва жамоат органлари ўртасидаги мустақкам ҳамкорлик асосида хавфсиз, адолатли ва ҳуқуқий жамият қуришга хизмат қилади.